



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛКЛОРИ ИНСТИТУТИ

# Ўзбек тили ва адабиёти

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган

Бош муҳаррир:  
Низомиддин МАҲМУДОВ

Бир йилда олти марта чиқади

Таҳрир ҳайъати:  
Абдусалом АБДУҚОДИРОВ  
Рахматулла БАРАКАЕВ  
Маматқул ЖҮРАЕВ (бош муҳаррир  
ўринбосари)  
Наим КАРИМОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Дурдана ЛУТФУЛЛАЕВА  
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ (бош  
муҳаррир ўринбосари)  
Тўра МИРЗАЕВ  
Бахтиёр НАЗАРОВ (бош муҳаррир  
ўрибосари)  
Ёркинжон ОДИЛОВ  
Эргаш ОЧИЛОВ (масъул котиб)  
Шомирза ТУРДИМОВ  
Боқижон ТЎХЛИЕВ  
Алмаз УЛВИЙ  
Дурдана ХУДОЙБЕРГАНОВА  
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ  
Бердак ЮСУФ  
Қурдош ҚАҲРАМОНОВ  
Улуғбек ҲАМДАМОВ  
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фолклори институти

Тошкент - 2020

**4**  

---

2020

таъкидлаганидек: “Услуб – ижодкор ҳаётни чукур ўзлаштириши орқали тўплаган нозик ва қизиқарли қузатишларини синтезлаб, ифодалаб беришдир. Унинг мукаммаллиги ва қанчалик кўламга эгалиги ижодкорнинг борлиқни англашдаги идрокига ва ифода услугига боғлиқ”<sup>110</sup>.

Буларнинг барчасини умумлаштирувчи, мужассам тарзда ифодаловчи учта энг муҳим элемент бор: 1) барча адабий оқим ва йўналишларни, барча тур ва жанрларни қамраб оловчи муаллиф шахсияти, 2) муаллиф дунёқарашининг маҳсули бўлган яхлит бадиий асар, 3) бадиий сўзнинг асоси бўлган услуб.

**РЕЗЮМЕ.** Мақола бадиий услубнинг назарий асослари таҳлилига бағишланган.

**РЕЗЮМЕ.** Статья посвящена анализу теоретически основ художественного стиля.

**RESUME.** The article is devoted to the analysis of the theoretical foundations of literary style.

**Таянч сўз ва иборалар:** бадиий услуб, тур, жанр, адабий оқим, асар, муаллиф.

**Ключевые слова и выражения:** художественный стиль, вид, жанр, литературное течение, произведение, автор.

**Key words and word expressions:** literary style, type, genre, literary flow, work, author.

## Саъдулла МАТЯКУПОВ ШЕЪРИЯТДА ДИАЛОГ ВА УНИНГ ТАЛҚИНИГА ДОИР

Бугунги кунда адабиёт, хусусан, шеъриятда ижодкорларнинг инсонни тушуниш ва тушунтиришида турли хил тасвир ва усуллардан самарали фойдаланмоқда. Бу борада шеъриятда диалоглар қўллаш ҳамда у орқали олам ва одам яъни инсон-табиат-жамият мулоқотлари турли хил шаклларда талқин этилмоқда. Ҳ.Умурев таъкидлаганидек: «Бадиий диалог ҳолатни, ўй-хаёлни талқин қилмоғи – унинг очик мазмунидан яширин моҳияти сари боришга китобхонни «мажбур» қилиши – бош талаб»<sup>111</sup> экан, унда қахрамон характеристи, руҳияти ҳамда манфаат-эҳтиёжларини ихчам тарзда ифодалаш имконияти ортади. Нутқ шакли тасвир ва таҳлил ҳамда талқин маданиятини бирлаштиради.

Серкирра ижодкор Улуғбек Ҳамдамнинг “Эски дунё ва янги мен” сайланмасидаги шеърларни ўқиб, юқоридаги фикрларнинг амалий тасдиғини кузатамиз. Унда шоирнинг табиат ва жамият, олам ва одам муносабатларини диалогик шаклда бадиий талқин қилиш орқали ўзини ўйлантирган дард ва

<sup>110</sup> Х рабченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Советский писатель. 1975. С. 9.

<sup>111</sup> У муро в Ҳ. Бадиий асар назарияси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2002, 66-бет.

нолалари бадиий ифода килинади. Жумладан, “Шундай яшасам” деб номланган шеърда қуидаги сатрларни кўрамиз:

*Дунёга келганда йўқ эди душман,  
Дедим: ҳама одам ҳабибдор менга.  
Умримнинг ярмида теграмга боқсам,  
Дўст деган қолмамиши, ганим сон мингта...*

*Оллоҳим берсаю шундай яшасам,  
Барчаси тескари айланиб қолса:  
Мўйсафиð чоғимда назар ташласам,  
Душман ҳеч кўрмасам, ҳама дўст бўлса...<sup>112</sup>*

Монологик талқин ҳосиласи сифатида вужулга келган мазкур шеърда ўз-ўзига нисбатан тафтиш, тавсиф, таҳлил ва муҳокама акс эттирилади. Онг ва сезим муносабатини шакллантирадиган лирик талқинда ҳиссий кечинма етакчи омилга айланади. Шу мъянода, нуткий мулоқот шаклларида бадиий мақсад ва талаб ўзига хослиги алоҳида аҳамият касб этади. “...Инсон дегани қоришиқ куйлар, оҳанглар, шакллар ичida яшайди. Бу турфалик унинг ботинидан камалак ранглари каби ўрин эгаллаган. Киши ижодкор бўлиб шаклландими, демак, оламнинг ана шу ҳамма рангларини кўриши, уларнинг биронтасига хиёнат қилмаслиги керак” (5–6-бетлар) – дея эътироф этган У.Ҳамдам шеърларида ўкувчи ўзига турли хил саволлар қўйиш билан бирга ҳаётда ўзи амал қилаётган ишларига муайян жавоблар топади. Кўринадики, шеъриятда диалог ва монолог ифода аниқлигини етакчи усул даражасига кўтаради. Семантик-синтактик муносабатлар тизими нуткий таъсирнинг ижтимоий амалиётини анча теранлаштиради. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур ҳолатда ижодкор индивидуал услуби орқали намоён бўлган риторик шакл бадиий идрокнинг кенгайишига замин ҳозирлайди.

Шоир ўз ўғлига бағишлиб, ҳаётий лавҳа дея этироф этган “Ота ва 12 ёшли ўғил мулоқоти” деб номланган шеърда ҳам диалогик ифода етакчилик қиласи.

*Оғир келиб ўшандада замон  
Тўғри билан эгри қоришиди.  
Тўғри одам қийналиб ёмон  
Қилиб қўйди, қаранг, бу ишини:*

*Кузатаркан ўғлин мактабга  
Пул бердию сўйлади ота:  
“Ҳар нарсани ушибу дунёда  
Пул ҳал қиласи, унумта бола!..” (74-бет)*

Нега энди ота ўз ўғлига қарат “Ҳар нарсани ушибу дунёда пул ҳал қиласи, унумта бола!..” дея эътироф этмоқда. Ахир, отанинг болага тарбия

<sup>112</sup> Ҳ а м д а м У. Эски дунё ва янги мен. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018, 210-бет (Кейинги мисоллар ҳам шу китобдан олиниб, саҳифаси қавс ичida кўрсатилади).

беришида оптимистик рух устунлик қилиши, фарзандни олдинга интилишга, ҳаётда учрайдиган қийинчиликлар билан курашга ўргатиши умуминсоний қадрият ҳисобланади. Отанинг нега бундай холосага келиши шеърнинг биринчи бандида ифода қилинган. Негаки, асли ота ўғлининг “ҳамма нарсани пул билан ҳал қилиши” тарафдори эмас. У буни умуман хоҳламайди, ота томонидан айтилаётган бу гап унинг ўша пайтдаги руҳий ҳолати билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам шоир биринчи банднинг охирги мисрасини “Қилиб қўйди, қаранг, бу ишни” – дея талқин этади. Ота ўғлига айтган гапидан ўзи ҳам афсусда эканлиги шеърнинг кейинги бандидаги “Оҳ, бу сўзни нечун айтди у” сатрида ифода қилинган. Ўз боласига “Раҳмоннингмас, шайтоннинг сўзи”ни айтиб юборган ота бу муаммога ўғлининг қандай муносабатда бўлишини ўйлаб ташвипда қолади. Ота ва ўғил мулоқотида бу ҳолатга ўғилнинг жавоби қуйидагича:

“Ота, кечир ўғлингни – нўноқ,  
Қаттиқ ботса сўзи мабодо.  
Пул мұхимдир турмушда, бироқ  
Ҳамма нарса эмас у асло!..”

Табиийки, ўғилнинг бундай жавобидан отанинг кўнгли таскин топади. У шайтон васвасаси билан айтиб юборган сўзига ўғлининг эргашмаганидан, аксинча ҳаётга ўз қараши, мулоҳазаси мавжудлигидан мамнун бўлади. Мазкур шеърдаги ҳар бир ҳолат ва ундан келиб чиқадиган маъно-моҳият сабаб ва исботига эга. Шу маънода, қилиб қўйган хатосини англаган ота ўз ўғлининг унга ҳурмат билан қайтарган жавоби (“Ота, кечир ўғлингни – нўноқ”)дан кейин шукроналик қилиши шеърда жуда ишончли ва таъсирчан акс этирилган.

Кетди ўғил. Ота-чи, қолди,  
Нақ бўғизига келиб жоласи.  
Пушмонлари кафтига тўлди,  
Уялтириди, ахир, боласи...

Тўйиб-тўйиб ийглади ота,  
Қалби уриб дукур ва дукур.  
Тилида-чи, улуғ шукронга:  
“Воҳ, Художон, Ўзингга шукур!..” (75-бет)

Сайланмага киритилган кўплаб шеърлардаги диалогик ифодалар инсон ва унга берилган энг олий неъмат, яъни умр моҳиятини англатишга қаратилади. Бунда шоир ўз кўнглида кечган туйғуларни бадиий тасвиrlашда шеърлардаги ҳар бир ҳолатга мос ифодани топа олган. Зеро, Б.Саримсоқов эътироф этганидек, “Бадиий кечинма таркибида ҳис ва ақлнинг уйғунлиги ижодкорни факат ҳис-туйғуга берилиб, реал ҳаёт талабларидан узоқлашиб кетишига ёки умуминсоний ахлоқ талабларидан узоқлашиб кетишга ёки умуминсоний ахлоқ талабларидан четга чиқишига йўл қўймайди... Хуллас, ҳис

ва ақл диалектикаси ўта мураккаб ва серқирра бўлиб, бадиийлик муаммоларини ҳал этганда уларнинг ўзаро нисбатини ҳисобга олиш зарур”,<sup>113</sup>.

У.Хамдамнинг “Фийбатчига” деб номланган шеърида ҳам оддий ва ихчам сатрлар орқали инсонга хос бўлган иллат ва унинг охиратдаги оқибатлари ўзига хос тарзда ифода қилинади. Унда шоир бадиий кечинмаси ўқувчига ўз ҳаётини тафтиш қилиш, мазкур шеърдаги хulosса (савол)га жавоб излаш масаласини қўяди. Албатта, мазкур сатрлар ҳам инсоният учун азалий ва адабий муаммо бўлган маънавий-ахлоқий масалалардан бирини ўзида акс эттирган.

*Уни гийбат қилдинг, рози бўлди у,  
Мени гийбат қилдинг, розидирман мен.  
Аммо айтгил инсон, умр битди-ку,  
Шундай кемишингдан розимисан сен? (215-бет)*

Таҳлил қилинган шеърлардаги диалог ва уларнинг замирида инсон ва жамият, шахсларо зиддият шакллари билан бирга шахснинг ўзини-ўзи енгиб ўтиши, феъл-авторидаги ноқислик иллатларини англаб етиши каби кўринишлар ифода қилинади. Ижодкор ўз қалбини ўртаётган ҳиссиётлар билан мулоқотга кириш фони орқали жамият тартиблари ва ижтимоий воқелик жараёнинга муносабат билдириш, уларни бадиий-эстетик баҳолаш шеъриятимиздаги етакчи тамойиллардан ҳисобланади.

Умуман, шеърий ифодада мулоқот шакллари ташки монолог (муаллиф баёнига сингдирилган мушоҳада ва ҳиссиёт), ички мустақил ривоя (қаҳрамон онгига кечайдан руҳий жараён), диалогик муносабатлар тизими (субъектлараро алоқа изчиллиги) ёрдамида гавдаланади. Унда қаҳрамон ҳолатини gox нутқий тарқоқлик воситасида, gox билвосита шоир шахсияти орқали тасвирлаш миқёслари аниқ сезилади. Лирик матнда тасаввур ва таассурот уйғунлигини таъминлаш аслида услубий воситалар мавқеига боғланиб, ифода динамизми такомиллашувида монологлашган диалог мухим ўрин эгаллайди.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Улугбек Хамдам шеърларида олам ва одам муносабатларини бадиий тадқиқ қилишда шоирнинг диалог кўллаш маҳорати, инсон-табиат-жамият мулоқоти ва уни вужудга келтирган омиллар илмий таҳлил қилинади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье научно анализировано мастерство Улугбека Хамдама в художественном толковании связей человека и вселенной, в том числе автор изучает особенности общения человека с природой и анализирует факторы возникновения такого общения.

**RESUME.** The given article deals with scientific analysis of the poems by Ulugbek Khamdam, moreover it is taken into account literary study of relationship between earths and human-being, also author investigates masterly usage of the dialogue of human-environment-society and the origin of this factor.

<sup>113</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004, 79-бет.

**Таянч сўз ва иборалар:** бадиий тафаккур, диалог, монолог, лирик тасвир, бадиий ифода, образ, шакл ва мазмун.

**Ключевые слова и выражения:** художественное сознание, диалог, монолог, лирическое описание, художественное описание, образ, форма, содержание.

**Key words and word expressions:** literary cognition, dialogue, monologue, lyric description, literary definition, character, form, plot.

## **Нилуфар ЧЎЛИЕВА** **БАДИЙ АСАРДА СЮЖЕТ ВА ХРОНОТОП**

Қисса жанрининг эпик кўламини ва сўнгги йилларда яратилган ўзбек қиссаларида кўринаётган етакчи тамойилларни эътиборга оладиган бўлсак, хронотопнинг анъанавий, синкретик ва рамзий-метафорик хронотоп шаклларини кўриш мумкин. Анъанавий хронотопда бадиий макон ва замон бир даврга тааллуқли бўлиб, вақт хронологик тартибда тасвиранади, табиийки, сюжет харакати билан жой (макон) тасвири ўзгариб ёки қайталаниб боради. Воқеалар маълум бир вақт оқимида кечади. Муаллиф ретроспекция усулидан фойдаланиб, сюжет талабига кўра “кўчиш” (олдинга ёки кейинга қайтиш) қилиши мумкин. Синкретик хронотопда мавжуд замон-макон чегаралари бошқа нореал замон-макон билан уйғунлашиб, қоришиб кетади. Воқелик айни бир хронотопга мансуб бўлмайди. Бунда асосий эътибор қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига, кечинмаларига қаратилади. Аммо, шу ўринда бадиий асарга макон чегаралари бир-бирига дахл этмаган ҳолда олиб кирилган якка-алоҳида, соф рамзий-метафорик маъно ташийдиган хронотоп кўринишлари ва сюжетнинг бошидан охиригача ана шундай рамзий-метафорик хронотоп асосига қурилиши ҳам инкишоф этилаётганини айтиш жоиз. Жумладан, Назар Эшонқул қиссаларида ҳам хронотопнинг айни шу хили мавжуд эканига гувоҳ бўламиз. Адид қиссаларида: 1) анъанавий хронотоп (“Уруш одамлари”, “Момокўшиқ” қиссаларида); 2) синкретик хронотоп (“Тун панҷаралари” қиссасида); 3) рамзий-метафорик хронотоп (“Қора китоб” қиссасида) шакллари мавжуд.

Муаллифнинг ўзи “Қора китоб” қиссаси қаҳрамони ҳақида шундай ёзади: “У ўзини англаб етди. У ўзини англаб бўлди эмас, ўзи ҳақида хулоса чиқаришга ҳам улгурди”<sup>114</sup>. Ҳақиқатан, асар қаҳрамоннинг ўзи ва яшаган йўли ҳақида чиқарган аччик, бешафқат хулосалари ҳақида бўлиб, воқеалар силсиласи ҳам шу ўй-фикрлар асосига қурилган. Ноанъанавий йўлда битилган мазкур қиссада нореал воқелик устунлик қиласди. Асар воқеалари бошида ёши етмишни қоралаб қолган қариянинг ўз-ўзидан нафрати, ўзи тўғри деб билганларининг барчаси хато, қуруқ сафсата эканлигини англаши, ҳатто олаётган нафаси ҳам, юрган йўлларининг ҳам бари чиркинлиги, бутун инсониятни ер юзида урчиганидан то бугунгача улкан гуноҳкорлик юки эзғилаб келаётганилиги, қилган барча хатоларини, гуноҳларини эса виждан амри, кўнгил кийноклари билан жазолаганини ҳасби ҳол этади.

<sup>114</sup> Э шонқул Н. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnashr, 2014, 70-бет.

## CONTENT

### **Linguistics**

N.M.Mahmudov. Language: science, education and promotion.....	2
Y.Odilov. Language and society interactions.....	9
A.Mamajonov. Binary joint sentence and their functional-semantic properties.....	16
R.Davlatova. Social situation in Uzbek language and its expression through pronouns.....	20

### **Literature studies**

D.Kuranov. Punctuation in Cholpon's poetry.....	25
N.Jabborov. Literary interpretation of the idea of <i>futuvvat</i> in the works of Alisher Navoi.....	32
A.Ulugov. On the literary and aesthetic function of proverbs.....	39
E.Ochilov. Navoi traditions in Mukimi's work.....	45
B.Rajabova. On the term of the Timurid Renaissance.....	49
O.Kayumov. On the analysis of the ritual of shaman initiation in Uzbek ceremonial folklore.....	54

### **Scientific information**

G.Ernazarova. Meditative features of Oybek's poetry.....	60
K.Yulchiev. The problem of literary space in lyrical poetry.....	63
D.Kholdorov. Theoretical foundations of literary style.....	67
S.Matyakupov. On dialogue and its interpretation in poetry.....	71
N.Chulieva. The plot and chronotope in the poetry.....	75
L.Usarova. The image of the mother in the poetry of Abdulla Aripov.....	81
Z.Amoonova. Nasimi's melodies in Navoi's works.....	85
N.Kodirova. Author's style in the debate genre.....	88
G.Bobojonov. The terms "science of puberty" in "Hayrat ul-abror".....	92
O.Abobakirova. The image of national spirit in the stories of Anwar Abidjan.....	95
R.Saidova. Binary opposition in the literary text.....	99
D.Jumaeva. The main characters of the epics "Yusuf and Zulaykho".....	102
Sh.Rahmonova. Traditions of ghazal writing in modern poetry.....	105
M.Hojieva. tradition and follow-up in tatabbu.....	109
D.Zaripova. Interpretation of the views of the rulers in "Kutadgu al-Bilik".....	111
U.Ibragimova. The art of <i>tashbeh</i> in the works of Hafiz Khorezmi.....	114
Z.Isakov. The relationship of particles and affixes.....	115
Z.Urunov. On the development of defectological terms.....	118
A.Botirova. Linguistic representation of the universe and functional specialization of words.....	122
D.Yuldashev. The roots of anthropocentric interpretation in "Kisasi Rabguzi".....	126
A.Uralov. About the expanded forms associated with historical processes.....	129
Sh.Shamsiev. The linguistic nature of euphemisms.....	132
H.Ahmedova. Navoi's views on the culture of speech in "Mahbub ul-kulub".....	136

### **Doers of Science**

T.Ruzibaev. The adornments of a scientist's life.....	144
B.Fayzullaev, M.Suyunov. Vahob Rahmonov.....	145
H.Homidiy. A well-known critic.....	151